
Аҳоли муурожаати ўрганилди

Ижтимоий тармоқлар орқали Қува тумани Султонобод маҳалла фуқаролар йиғинининг Ҳақиқат кўчасида истиқомат қилувчи аҳоли томонидан ички йўлларнинг носизлиги юзасидан қилган муурожаатлари туман ҳоқимлиги томонидан ўрганиб чиқилди. Ҳудудларда аҳоли турмуш даражасини ошириш, маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилаш мақсадида ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябр кунги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан ушбу дастурларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича аниқ топшириқлар ва вазифалар белгилаб берилди. Унга кўра келгуси 2023 йилда Султонобод маҳалла фуқаролар йиғинининг Мангуобод, Виқорли, Ҳақиқат Келажак Янгисор кўчаларининг 1,3 қисмини асфальтлаштириш, 3 дона трансформатор ҳамда 150 дона бетон таянч устунлар ўрнатиш режалаштирилган. Ушбу ишлар 2023 йил давомида тўлиқ амалга оширилиб якунига етказилади.

2022-11-08 20:41:56